



2017 yil "19" январь № 8-ф

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил
12 январдаги Ф-4789-сон фармойиши ҳақида**

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда таълим муассасалари учун ўқув адабиётлари яратиш ва ўқувчиларга етказишнинг мустаҳкам тизими яратилди, бунда Ўзбекистонда таълим берилаётган еттига тилда дарслик ва ўқув кўлланмалари нашр этилмоқда. Ахборот-ресурс ва ахборот-кутубхона марказларининг моддий-техника базаси янгиланиб, замонавий электрон кутубхоналар тизимлари фаолият кўрсатмоқда.

Матбуот, ноширлик ва ахборот соҳасида тегишли ҳуқуқий асос яратилган бўлиб, 10 дан ортиқ қонун ва 30 дан ортиқ қонуности ҳужжатлари қабул қилинган. Фарғона вилоятида 20 дан ортиқ матбаа корхоналари, 2 та нашриёт давлат рўйхатига олинган. Замонавий технологиялар билан жиҳозланган Аҳмад Фарғоний номидаги вилоят ахборот-кутубхона маркази, таълим муассасалари тасарруфида 300 га яқин ахборот-ресурс марказлари томонидан аҳолига ахборот-кутубхона хизматлари ҳамда "Фарғона Китоб олами", "Шарқ зиёкори" МЧЖ каби мажмуалар томонидан китоб савдоси хизмати кўрсатиш йўлга қўйилган.

Ушбу муҳим соҳа ривожини билан боғлиқ аҳоли, хусусан ёшлар ўртасида китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини оширишда бир қатар муаммолар мавжудлигини қайд этиш лозим.

Аввало, бадиий, маърифий, илмий-оммабоп, тарбиявий, ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини оширишга қаратилган адабиётларни чоп этиш, улар билан таълим муассасаларини таъминлаш, миллий ва жаҳон адабиёти намояндаларининг етук асарларини саралаш, таржима қилиш ишлари пухта ўйланган тизим асосида ташкил этилмаган.

Чоп этиладиган китобларни нашриётлардан ҳудудларга арзон нархларда етказиш, онлайн буюртма бериш ва манзилга етказиш тизими суст ривожланган, шунингдек аҳолига хизмат кўрсатишда электрон китоб шаклларида кенг фойдаланиш яхши йўлга қўйилмаган.

Таълим ва маданият муассасалари учун китоб харид қилишга маблағлар етарли даражада мавжуд бўлган манбалар ҳисобидан жалб этилмаяпти, китоб сотишга ихтисослашган корхоналар томонидан таълим муассасалари, кутубхоналар ва маҳаллаларда янги китоблар тақдимотларини ўтказиш,

мутолаа маданиятини ошириш, шу жумладан оммавий-ахборот воситалари орқали тарғибот-ташвиқот қилишга қаратилган тадбирлар етарли эмас.

Ушбу соҳадаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш, аҳолининг китобхонлик маданиятини юксалтириш бўйича тегишли таклифларни тайёрлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 12 январдаги Ф-4789-сон фармойишини ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 12 январдаги Ф-4789-сон фармойиши раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш бўйича вилоят ишчи гуруҳи ва кичик ишчи гуруҳлар таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ишчи гуруҳга бир ой муддатда соҳа мутахассислари ва экспертларини кенг жалб қилган ҳолда илғор хорижий тажрибани инобатга олиб, қўйидаги масалаларни атрофлича ўрганиш ва чуқур таҳлил қилиш асосида тегишли таклифларни ишлаб чиқиш топширилсин:

аҳоли, айниқса ёшлар орасида бадиий жиҳатдан юксак, интеллектуал савияни ўстиришга хизмат қиладиган китобларга бўлган талабларни ўрганиш, шу жумладан ижтимоий сўровлар орқали аниқлаш, нашриётлар томонидан чиқариладиган бадиий, маърифий, ёшларнинг дунёқарашини кенгайтиришга доир адабиётларнинг (шу жумладан электрон шаклда) умумий буюртма рўйхатини шакллантириш тизимининг ҳолати;

ихтисослашган китоб дўконлари учун вилоят, шаҳар ва туман марказлари ҳамда қишлоқларда аҳоли гавжум ва қулай ҳудудлардан жой ажратиш ёки ижарага бериш масалаларини қайта кўриб чиқиш;

ахборот-кутубхона муассасаларининг, айниқса таълим соҳасидаги ахборот-ресурс марказлари фондларини шакллантиришда ўқув адабиётлари билан бир қаторда бадиий, маърифий, илмий-оммабоп адабиётларнинг рўйхатини ҳамда уларни харид қилиш бўйича харажатлар сметасини қайта кўриб чиқиш;

чоп этилаётган китобларни аҳоли ўртасида оммавий ахборот-воситалари, жумладан вилоят телерадиокомпанияси ва бошқа нодавлат телерадиоканаллар орқали тарғиб қилиш, таълим муассасалари, кутубхоналар, маҳаллаларда китоб муаллифлари билан ижодий учрашувларни тизимли равишда ташкил этиш ҳамда таълим муассасалари, айниқса мактабгача ва бошланғич таълимда ўқиш маданияти ва мутолаа кўникмаларини шакллантириш;

таълим муассасаларида синфдан ташқари ўқиш учун тавсия этилган ўзбек ва чет эл адибларининг мумтоз ва замонавий асарларини танлаб, хрестоматия адабиётлари рўйхатларини қайта кўриб чиқиш ва ўқув жараёнига мутолаа этилган асарлар асосида янши ёзиш тизимини жорий этиш, адабиёт тўғрисида фаолиятини моддий қўллаб-қувватлаш тизимини қайта кўриб чиқиш;

худудларда ёзувчи, шоирлар иштирокида китоб байрами ва ярмаркаларини ташкил этиш, аҳоли ўртасида бадиий жихатдан юксак миллий ва жаҳон мумтоз адабиётлари намуналарини тарғиб қилиш, китобхонлар, босма ва электрон китоб ишлаб чиқарувчилар, китоб сотувчилар ҳамда кутубхоначи ва тарғиботчилар орасида танловлар (“Йилнинг энг яхши китоби”, “Энг яхши китобхон оила”, “Йилнинг энг яхши болалар китоби”, “Йилнинг энг яхши аудио китоби”, “Йилнинг энг яхши электрон китоби” каби) ўтказиш тизимини такомиллаштириш.

4. Мазкур фармойишнинг бажарилишини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Вилоят ҳокими



Ш.Ғаниев .

Вилоят ҳокимининг
2017 йил 19 январдаги
85-99-сон фармойишига
илова

Китоб махсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш,
китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот
қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш бўйича

ИШЧИ ГУРУХ ТАРКИБИ

- Ш.Ғаниев - Вилоят ҳокими, **Ишчи гуруҳ раҳбари**
- С.Кўчқоров - Вилоят ҳокимининг ўринбосари
- Қ.Имомов - Вилоят ҳокимининг ўринбосари
- Т.Тожиева - Вилоят ҳокимининг ўринбосари
- Ғ.Мамажонов - Халқ таълими бошқармаси бошлиғи
- М.Холдороров - Ўрта махсус, касб-хунара таълими ҳудудий бошқармаси бошлиғи
- И.Жалилов - Маданият ва спорт ишлари бошқармаси бошлиғи
- М.Назаралиев - Адлия бошқармаси бошлиғи
- Ж.Каримов - Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи
- У.Мирзаев - Молия бошқармаси бошлиғи в.б
- У.Жабборов - Мағбуот ва ахборот бошқармаси бошлиғи
- Ж.Мамарасулов - Вилоят телерадиокомпанияси директори
- Ш.Аслонов - Аҳмад Фарғоний номидаги вилоят ахборот-кутубхона маркази директори
- Б.Элчиев - “Маҳалла” хайрия жамоат фонди вилоят бошқаруви раиси
- А.Ақбаров - “Қамолот” ЁИХ вилоят кенгаши раиси ўринбосари
- Ф.Зоҳидов - Маънавият тарғибот маркази вилоят бўлими раҳбари
- Э.Сиддиқова - Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими раиси
- Л.Валиев - Вилоят ҳокимлиги котибияти мудири, **Ишчи гуруҳ масъул котиби**
- Шаҳар ва туман ҳокимлари

Илоҳ: Ишчи гуруҳ аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда ана шу лавозимларга янгидан тайинланган шахслар ёки тегишли мажбуриятларни бажариши эҳтимолга юзланган шахслар ишчи гуруҳ таркибига киритилади.

Ишчи гуруҳ заруриятга қўра бўйича равишда тегишли мутахассисларни жалб қилиш мумкин.

Китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини
ривожлантириш ва тарғибот-таълиқот масалалари бўйича
Кичик ишчи гуруҳ таркиби

- Л.Валиев - Вилоят ҳокимлиги котибияти мудири, **ишчи гуруҳ раҳбари**
- Ғ.Мамажонов - Халқ таълими бошқармаси бошлиғи
- М.Холдороров - Ўрта махсус, касб-хунара таълими ҳудудий бошқармаси бошлиғи
- У.Жабборов - Мағбуот ва ахборот бошқармаси бошлиғи
- Ж.Мамарасулов - Вилоят телерадиокомпанияси директори
- Э.Сиддиқова - Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими раиси
- Б.Элчиев - “Маҳалла” хайрия жамоат фонди вилоят бошқаруви раиси
- А.Ақбаров - “Қамолот” ЁИХ вилоят кенгаши раиси ўринбосари
- Ф.Зоҳидов - Маънавият тарғибот маркази вилоят бўлими раҳбари
- А.Тешабоев - “Фарғона ҳақиқати” газетаси бош муҳаррири
- Г.Саидганиева - “Ферганская правда” газетаси бош муҳаррири
- М.Сулаймонов - “Маънавият” газетаси бош муҳаррири
- Н.Асқаров - “Рухсор” ТРК директори
- Ш.Аслонов - Аҳмад Фарғоний номидаги вилоят ахборот-кутубхона маркази директори, **ишчи гуруҳ масъул котиби**